



## ЗАМОНАВИЙ КОММУНИКАТИВ ЖАРАЁНДА МАҚОЛЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИҚДА ЎРГАНИЛИШИ

<sup>1</sup>Тошқўзиева Мадинахон Абдувоҳид қизи

Фарғона давлат университети, Лингвистика  
(инглиз тили) 2-босқич магистранти,

<sup>2</sup>Мирзаева Дилшода Икромжоновна

Фарғона давлат университети, филология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

m.nurafshon95@gmail.com.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7375415>

### ARTICLE INFO

Received: 19<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 27<sup>th</sup> November 2022

Online: 29<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Коммуникатив жараён,  
мулоқот предмети,  
суҳбатдош, материал маъно,  
мавхум модел-формула,  
матн, контекст, мақол, баён,  
коммуникатив-прагматик  
таҳлил.

### ABSTRACT

Коммуникатив-прагматик ёндашув орқали биз мақолларни мулоқотда қўллаш мақсадларини аниқлашимиз, мақолнинг муҳим таркибий қисми - маънони ташкил этувчи семантик ядрони ҳисобга олган ҳолда мулоқот субъектларининг фикр ва ҳиссиётларини алмашиш жараёнида уларнинг хусусиятларини аниқлашимиз мумкин. Коммуникатив-прагматик таҳлил мақолларни янги позициялардан тавсифлаш ва бу бирликларнинг уч томонламалиги, матн функциялари ва прагматик маъносининг контекстга боғлиқлиги туфайли ҳали ўрганилмаган хусусиятларини очиб беришга имкон беради. Мазкур мақолани ёзишдан мақсад мақолларининг коммуникатив-прагматик ташкил этилишини ўрганиш ва уларнинг коммуникатив-прагматик салоҳиятини аниқлаш ва тавсифлашдан иборат.

Мақолнинг нутқдаги таърифи, ҳолати ва фаолияти муаммолари замонавий тилшунослиқда доимо долзарб бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби турли хил ҳаётий вазиятларнинг белгилари ва моделлари сифатида мақолларнинг кўп қирралилиги, хилма-хиллигидадир. Бундан ташқари, ушбу мавзунинг долзарблиги паремия таърифининг энг кенг кўриниши - мажозий лексемадан тўлиқ такрорланадиган матнча бўлган имконият билан боғлиқ.

Мақол ҳар бир халқ маданиятининг ажралмас қисмидир, Г.В.Калшанскийнинг фикрига кўра, у "миллий маданият орқали дунёни билиш билан боғлиқ бўлган воқелиқдан олинган", чунки мақоллар реал дунё, ғоялар дунёси ва тил ўртасида воситачи сифатида ҳаракат қилади. Айнан мақол орқали биз маълум тилида сўзлашувчилар томонидан воқелиқни идрок этиш ва қайта кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини ва баъзи вазиятларда унга (воқелиқка)



муносабатни кузатишимиз мумкин, шунингдек, бизнинг ўрганишимиз нуқтаи назаридан муҳим бўлган нарсаларни образлантиришимиз мумкин. Мақоллар содир бўлган атрофдаги ҳолатлар ёки ҳодисалар билан ассоциатив муносабатга киришади. Масалан, оғир ҳаётини вазиятда ўзгаларнинг кўнгилни кўтариш, ўз қалбида неқбинликни сингдириш мақсадида турли мақоллардан фойдаланиш мумкин. Демак, ҳар қандай мақолни амалий қадрият, муайян коммуникатив стратегияни амалга оширишда қўлланиладиган тактик восита сифатида ҳам кўриш мумкин. Мақол матнли (прагматик) хусусиятга эга мураккаб лисоний белги сифатида таърифланади. Мақоллар нафақат сўзловчининг ўзи томонидан билдирилган фикрни тасдиқлаш услубини осонлаштиради, балки вазиятни тўғри баҳолашга, унинг якуний натижасини башорат қилишга ёрдам беради.

Мулоқот натижасида қўлланиладиган баёнотнинг муваффақияти, долзарблиги, мақбуллиги ва таъсирчанлиги тўғридан-тўғри (жонли нутқ) ва билвосита (матн) вазиятида мақолларнинг маъноси ва прагматик функцияларини комплекс талқин қилишга боғлиқ. Ушбу турдаги тадқиқотлар, биз кўриб турганимиздек, коммуникатив-прагматик ёндашув орқали амалга оширилиши мумкин, бу бизга мақолларни мулоқотда қўллаш мақсадларини аниқлашга, мулоқот субъектларининг фикр ва ҳис-туйғуларини алмашиш жараёнида уларнинг хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Мақолнинг муҳим

компоненти - маънони ташкил этувчи семантик ядрони аниқлаш ва уни юзага чиқаришдан иборат. Н.И.Формановская таъкидлаганидек, “тилни тавсифлашда коммуникатив-прагматик ёндашув асосий эътиборни коммуникатив бирликларга қаратади. Шу нуқтаи назардан қараганда, таърифнинг марказида алоқа бирликлари (улардан бирини мақол дейиш мумкин) туради”. Таҳлил шуни кўрсатдики, мақолларнинг тўғридан-тўғри ёки билвосита мулоқотда қўлланиши гапнинг ўзи тўғри ва бир маъноли бўлишини, шу контекстда қўлланилган гапнинг тушунилишини, унинг муайян вазиятда долзарблиги ва асосланишини (мувофиқлигини) таъминлайди. Шу муносабат билан, мақол матнда конструктив бирлик сифатида, сўзловчи ўзининг коммуникатив нияти ҳақидаги маълумотни қўядиган, башорат қилинган натижани амалга ошириш учун баёнотга маълум бир субъектив маъно берадиган восита сифатида ишлатилади. Мақоллар тилнинг турли функционал ва услубий фарқларида кенг қўлланилишига қарамай - сўзлашув нутқидан бадиий адабиёт тилигача - бу лисоний белгини тилнинг энг мураккаб ҳодисаларига киритиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг ҳар бири мақолнинг турли томонларини таъкидлаб, уларни ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайди, шунинг учун ҳамма учун мос келадиган кенг қамровли таъриф йўқ.

Сўзловчи ўз нутқида мақоллардан турли мақсадларда фойдаланади, бу эса ўз навбатида нутқнинг ифодалилиги, таъсирчанлиги ва стилистик жиҳатдан ранг-баранглигини намоён этади. Биламизки, мақолларда халқнинг



урфодатлари-ю, миллий тушунчаларидан тортиб унинг тарихий шахслари ҳамда машхур образларигача ифода этилади. Баъзан мақолларга кўчма маънога эга турғун бирлик, фраза, фразеологик бирлик сифатида қаралгани учун ҳам улар турли контекстда ҳар хил мазмунга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Контекстдаги мақол мазмуни коммуникантнинг интенциясига боғлиқ бўлиб, у нутқий жараёни бойитишга ва фикрни бевосита эмас, балки билвосита ифодалашга ёрдам беради. Прагмалингвистлар томонидан дискурсга нолисоний омиллар (прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий омиллар) билан биргаликдаги матн сифатида қараш лозимлиги таъкидланган бўлиб, мақолнинг дискурс жараёнидаги иштироки ҳам бевосита мазкур омилларга боғлиқдир. Мақолларни коммуникатив-прагматик таҳлил орқали ўрганиш бизга ушбу бирликларни янги позициялардан тасвирлаш, уларнинг ўзига хос табиати,

матн функциялари ва прагматик маъноларининг бир-бири билан боғлиқлиги туфайли уларнинг хусусиятларини контекстда аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, мақолларни ўрганишда коммуникатив-прагматик таҳлилдан фойдаланиш уларнинг лексикографик тавсифи, маъно муносабатларини чуқурроқ тадқиқ қилишга замин яратади. Замонавий нутқда аксил мақолларнинг мавжудлиги қадимги сўзлашув анъаналарининг ҳозирги даврда ҳам давом этаётганлигини исботлайди. Мақолларнинг замонавий нутқда ўзаро муносабати ва қўлланиши кейинги тадқиқотлар учун қизиқарли мавзудир. Тадқиқотчилар томонидан тақлиф этилган мақол таърифлар ва мақоллар билан боғлиқ қарашларни таҳлил қилиш унинг барча тилшуносларни қониқтирадиган бир маъноли ихчам таърифи йўқлигини кўрсатади. Мазкур тилшунослик муаммоларини ўрганиш соҳада ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга.

## References:

1. Баранов А.Н., Добровольский Д.О. Аспекты теории фразеологии. М., 2008.
2. Бочина Т.Г. Диалогичность русской паремии // Паремология в дискурсе: Общие и прикладные вопросы паремологии. Пословица в дискурсе и тексте. Пословица и языковая картина мира / Под ред. О.В. Ломакиной. М., 2015. С. 26–47.
3. Бредис М.А. Представления о денежных отношениях в пословицах (на материале русского, латышского, литовского, немецкого и английского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. М., 2017.
4. Гвоздев В.В. Место пословиц как структурно-семантических образований в языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1983.
5. Зыкова И.В. Фразеологические образы и их национальная обусловленность // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2011. № 2. С. 80–88.
6. Azimjon Latifjon o'g'li Melikuziev. (2022). HISTORICAL AND MODERN CLASSIFICATION OF PARALINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(10), 126–128. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/UAN57>



7. Khakimov, M. K., & ugli Melikuziev, A. L. (2022). The History of Paralinguistic Researches. *International Journal of Culture and Modernity*, 13, 90-95.
8. Грибоедов, А. С. Горь от ума. Комедия в четырех действиях / А. С. Грибоедов. – М. : Памятник исторической мысли : Технологическая Школа Бизнеса, 1995. –135 с.
9. Мокиенко, В. М. Большой словарь русских поговорок / В. М. Мокиенко, Т. Г. Никитина. – М. : ОЛМА Медиа Групп, 2007. – 784 с.